

Риёзус-солиҳин шарҳи Қуръон ўқиш фазилати

[Ўзбекча]

Абу Абдурахмон Насафий

Мухарир: Шамсиддин Дарғомий

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

كتاب الفضائل

Фазилатлар китоби

الحمد لله رب العالمين و الصلاة و السلام على نبينا محمد و على آله و أصحابه و من تبعهم

ياحسان إلى يوم الدين

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва барокатуҳ. Муҳтарам ака-укалар, опа-сингиллар.

Ушбу дарсда имом Абу Закариё Яҳё ибн Шараф ан-Нававий роҳимаҳуллоҳнинг Риёзус-солиҳийн номли китобидаги фазилатлар ҳақидаги бўлимидини Оллоҳ таъолога таяниб, ундан мадад сўраб, шарҳлашга киришамиз.

باب فضل قراءة القرآن

Қуръон ўқиш фазилати ҳақидаги боб

عن أبي أمامة رضي الله عنه قال: سمعت رسول الله صلى الله عليه وسلم يقول: اقرؤوا القرآن فإنه يأتي يوم القيامة شفيعاً لأصحابه رواه مسلم.

Абу Умома розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича у киши: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни: "Қуръонни ўқинглар чунки у қиёмат куни ўз асҳоблари учун шафоъатчи бўлиб келади." деганларини эшитдим дедилар. (*Муслим ривояти*)

Шарҳ:

Азиз ва муҳтарам биродарлар! Бу ҳадисда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бизларни Қуръон тиловат қилишга буюриб, тарғиб қилмоқдалар. Шундай экан ҳар биримиз қўлимиздан келганча, имкон борича уни тиловат қилишимиз керак бўлади. Бунга Оллоҳ таъолодан мадад ва тавфиқ беришини сўраймиз. Қуръон сўзи араб тилида "қараъа" сўзидан олинган бўлиб, тиловат қилиш маъносини англатади. У ҳолда Қуръон "исми мафъул" маъносидаги "масдар" бўлиб, тиловат қилинадиган нарса деган маънода келади. Ёки "жамаъа" яъни жамлади маъносини англатиб, "исми фоъил" маъносидаги

"масдар" бўлади, чунки у хабарлар ва ҳукмларни ўзида жамлаган. Энди Қуръоннинг истилоҳий маъносига келсак, у: Оллоҳ таъолонинг ўз элчиси ва пайғамбарларининг охиргиси Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга нозил қилган, Фотиҳа сураси билан бошланиб, ан-Нас сураси билан яқунланган каломидир. Оллоҳ таъоло бу муқаддас китобни ўзгартириш, унга зиёда сўзлар киритиш ёки камайтириш ва сўзларининг ўринларини алиштириш каби кирди-корлардан сақлаб, уни ўз ҳимоясига олган, Ва бу тўғрисида ўз китобида: "Албатта бу Эслатмани (яъни Қуръонни) Биз Ўзимиз нозил қилдик ва шубҳасиз, Ўзимиз уни сақлагувчимиз." (Ҳижр 9) –деб айтган. Ислом таълимотига кўра Қуръон илоҳий китобларнинг сўнггисидир. Юқоридаги оятда эса Оллоҳ таъоло уни то Қиёматгача йўқотмай, бузмай сақлашни ўз зиммасига олганини баён қилган. Шу сабабли илгариги умматларга нозил қилинган бошқа Илоҳий Китобларга ўзгаришлар киритилиб, бузилгани ҳолда, Қуръони Карим мана, ўн тўрт асрдан буён Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга қандай нозил қилинган бўлса, худди ўшандай сақланиб келмоқда. Яна шуни айтиб ўтиш керакки Қуръоннинг бир неча исм ва сифатлари бор. Унинг исмлари имом Ибн Жуззий Ғарнотий роҳимаҳуллоҳ айтишларича тўртта: Қуръон, Фурқон, Китоб ва Зикр. Бошқалари эса унинг исми эмас балки сифатларидур масалан: Азийм, Карийм ва Мажийд деб сифатлаш ва ҳоказо.

Қиёмат куни эса: барча халойиқ қабрларидан қайта тирилиб турадиган кун бўлиб, унга ишонишлик иймон рукнларидан бири ҳисобланади. Қиёмат кунида Оллоҳ таъоло барча халойиқни қабрларидан қайта тирилтириб чиқаради ва уларнинг дунё ҳаётида қилиб ўтган яхши- ёмон амалларини ҳисоб -китоб қилиб, Жаннатга ҳақли бўлганларини Жаннатга, азобга ҳақли бўлганларини Дўзахга киритади. Оллоҳ таъолодан бизларни солиҳ бандаларидан қилиб, Фирдавс Жаннатларига киритишини ва мунофиқ- кофир бандаларидан узоқ қилиб Дўзах ўтидан сақлашини ёлвориб сўраб қоламиз.

Ибнул Асийр роҳимаҳуллоҳ зикр қилишларича шафоатнинг маъноси-ўзаро қилинган гуноҳ ва жиноятларни кечиритишни сўраш дегани. Мушаффеъ: шафоатни қабул қиладиган шахс, мушаффаъ эса, шафоати қабул қилинадиган шахс экан. Ал-Азҳарий "Таҳзийбул луғат" китобида: "Шафоат-ҳомийнинг ўзгалар ҳожати учун подшоҳга айтадиган гапи."- деган эканлар.

وعن النّوأس بن سمعان رضي الله عنه قال: سمعت رسول الله صلى الله عليه وسلم يقول: يؤتى يوم القيامة بالقرآن وأهله الذين كانوا يعملون به في الدنيا تقدمه سورة البقرة وآل عمران، تحاجان عن صاحبهما رواه مسلم.

Наввос ибн Самъон розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича у киши: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни: "Қиёмат куни қуръон ва дунёда унга амал қилган

кишилар келтирилади, унинг олдида Бақара ва Оли Имрон сураси ўз соҳибларини мудофаа қилган ҳолда келади. " -деганларини эшитдим дедилар.

Шарҳ:

Ҳадисдаги Қуръон соҳиби ва Қуръон аҳли деган сўзлардан мақсад уни тиловат қилиб унга амал қиладиган кишидир. Бақара ва Оли Имрон қуръондаги энг узун суралардан бўлиб, фазилатлари жуда кўпдир. Имом Абу Закариё Яҳё ибн Шараф Нававий роҳимахуллоҳ айтишларича: Уламолар: "Бу икки сурада нур, хидоят ва буюк ажр бўлганлиги учун уларни "Заҳровайн" деб номланган."-дейишган экан. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Бақара (сураси) ни ўрганишлар, чунки уни ўрганиш барака, тарк этиш ҳасрат-надомат ва унга сеҳргарларнинг куч ва тоқати етмайди."- деган эканлар. Ким Бақара сурасининг охири икки оятини ўқиса, иккаласи унга кифоя қилади. Оятал курсийни ўқиса, уни Оллоҳ таъолонинг фаришталари асрайди, ва тонг отгунча унга шайтон яқинлашмайди. Шундай экан, бу сурани ҳаммасини ўқиган кишига Оллоҳ таъоло тарафидан бериладиган кифоя, қўрғон ва шайтондан сақлаш ва унинг бу кимсага берадиган буюк ажру-савобларини айтмай кўяверайлик. Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анху: "Шайтон Бақара сураси ўқиладиган уйдан чиқиб кетади."- деганлар.

وعن عثمان بن عفان رضي الله عنه قال : قال رسول الله صلى الله عليه وسلم : خيركم من تعلم القرآن وعلمه رواه البخاري.

Усмон ибн Аффон розияллоҳу анху ривоят қилиб: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Сизларнинг энг яхшиларингиз қуръонни ўрганиб уни ўргатганларинг деб айтдилар." -дедилар. *(Бухорий ривояти)*

Шарҳ:

Демак, одамларнинг энг яхшиси қуръон ўрганиш ва ўргатишни ўзида мужассам қилган киши экан. Қуръонни ўрганиш ва ўргатиш уни лафз ва маъноларини ўрганишни ўз ичига олади. Қуръон тиловатини бошқаларга ўргатиб, уни ёдлатган киши таълим бериш сифатига эга бўлганидек, уни шу йўсинда ўрганган киши таълим олиш сифатига эга бўлади. Бу билан кўплаб масжид ва қорихонилардаги қуръон ёдлатиш ҳалақаларининг фазилатини англаб етамиз; пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: "Сизларнинг энг яхшиларингиз қуръонни ўрганиб уни ўргатганларинг"-деган ҳадислари шу ҳалақаларга болаларини ўқишга киритган, унга инфоқ-эҳсон қилган, қуръонни ўқитиб, ўргатган каби кишиларни ўз ичига олади. Шунингдек қуръон маъноларини тафсир қилишнинг ҳам ўзига яраша қонун-қоидалари бор. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: "Ким қуръонни мустақил фикри билан тафсир қилса, ўз ўрнини дўзахдан олсин"-деган ҳадислари ҳар қандай кишини қуръонни ўзи билганидек тафсир қилишидан қайтаришга кифоя қилса керак.

وعن عائشة رضي الله عنها قالت : قال رسول الله صلى الله عليه وسلم : الذي يقرأ القرآن وهو ماهرٌ به مع السفارة الكرام البررة، والذي يقرأ القرآن ويتتعتع فيه وهو عليه شاقٌ له أجران متفقٌ عليه.

Ойша розияллоху анҳо ривоят қилишларича: Расулulloҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: "Қуръонни пухта ўқийдиган киши мукаррам, итоатли мирзалар¹ (яъни фаришталар) билан бирга, қуръонни тутиланиб, қийналиб ўқийдиган киши учун иккита ажр бор."-деган эканлар. (Муттафақун алайҳ)

Шарҳ:

Қози Иёз роҳимаҳуллоҳ: "...фаришталар билан бирга бўлади) – деган жумланинг икки эҳтимоли бор; бири: охиратда унинг манзиллари бўлиб, ўша манзилларда фаришталарга ҳамроҳ бўлиши бўлса, иккинчиси: у фаришталар амалини қилувчи уларнинг йўлини тутувчи эканлиги."-дейдилар. Қуръонни пухта, пишиқ ўқиб - ўрганган киши фаришталар билан бирга бўлади. Тутиланиб, ҳижжалаб, қийналиб ўқийдиган кишига эса иккита ажр берилади; бири тиловати, иккинчиси қийналиб машаққат чеккани учун. Лекин бунинг маъноси Қуръонни тутиланиб, ҳижжалаб, қийналиб ўқийдиган киши уни пухта, пишиқ ўқиб - ўрганган кишидан афзал дегани эмас, балки пухта, пишиқ ўқиб - ўрганган киши афзал ва ажри уникадан кўпроқ бўлади, чунки у фаришталар билан бирга бўлади бу мартаба эса, ундан бошқалар учун зикр қилинмаган.

وعن أبي موسى الأشعري رضي الله عنه قال : قال رسول الله صلى الله عليه وسلم : مثل المؤمن الذي يقرأ القرآن مثل الأترجة : ريحها طيبٌ وطعمها طيبٌ، ومثل المؤمن الذي لا يقرأ القرآن كمثل التمرة: لا ريح لها وطعمها حلوٌ، ومثل المنافق الذي يقرأ القرآن كمثل الريحانة: ريحها طيبٌ وطعمها مرٌ، ومثل المنافق الذي لا يقرأ القرآن كمثل الحنظلة : ليس لها ريحٌ وطعمها مرٌ متفقٌ عليه.

Абу Мусо ал-Ашъарий розияллоху анҳу ривоят қилиб айтадилар: Расулulloҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: "Қуръон ўқийдиган мўмин утружжа (яъни, лимоннинг ширин бир тури)га ўхшайди; унинг ҳиди хушбўй, таъми ширин, қуръон ўқимайдиган мўмин хурмога ўхшайди; унинг ҳиди йўқ таъми ширин, қуръон ўқийдиган мунофиқ эса, райҳонга ўхшайди; унинг ҳиди хушбўй таъми аччиқ, қуръон ўқимайдиган мунофиқ

¹ Яъни котиб фаришталар.

ҳанзала (заққум)га ўхшайди; унинг хиди йўқ таъми эса аччиқ."-дедилар. (*Муслим ривояти*)

Шарҳ:

Бу ҳадиси шариф одамларнинг қуръонга нисбатан ҳолатларини баён қилади. Мўмин киши ё қуръон ўқийди ё ўқимайди. Қуръон ўқийдигани утружжа (яъни, лимоннинг ширин бир тури)га ўхшаб, хиди хушбўй таъми ширин бўлади, чунки унинг қўнгли тоза, қалби саломат унинг ўзгаларга фойдаси тегади, у билан ҳамсуҳбат бўлишликнинг ўзи яхшиликдир. Дарвоқеъ пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Солиҳ ҳамсуҳбат киши миск сотадиган атторга ўхшайди ё сен ундан сотиб оласан ёки унинг хушбўй хидидан баҳра оласан." - деганлар. Қуръон ўқимайдигани эса, таъми ширин, лекин хиди йўқ хурмога ўхшайди. Демак, қуръонни ўрганиб уни ўқийдиган мўмин уни ўрганмаган ва уни ўқимайдиган мўминдан анчагина афзал экан. Қуръон ўқийдиган мунофиқ эса, хушбўй, таъми аччиқ райҳонга ўхшайди, чунки у ярамас, бефойда инсондир. Хиди хушбўйлигининг боиси у ўқийдиган қуръон туфайли, таъмининг аччиқлиги эса, унинг қалби қора, нияти бузук ва икки юзламачи эканлиги учундир. Оллоҳ таъоло ўз китобида мунофиқлар ҳақида шундай дейди: "Одамлар орасида шундай кимсалар ҳам борки, ўзлари мўмин бўлмаган ҳолда "Оллоҳга ва охират кунига иймон келтирдик"- дейдилар. Улар Оллоҳни ва иймонли кишиларни алдамоқчи бўладилар ва ўзлари сезмаган ҳолда фақат ўзларинигина алдайдилар. Уларнинг дилларида мараз-иймонсизлик бор эди Оллоҳ эса, маразларини янада зиёда қилди. Улар учун қилган ёлғонлари сабаб аламли азоб бордир.²(Бақара 8-10) Қуръон ўқимайдиган мунофиқ хидсиз, таъми аччиқ ҳанзала(заққум)га ўхшайди, чунки бу мунофиқда одамлар фойдаланадиган ҳеч қандай яхшилик йўқ, балки турган-битгани зарардир. Еру-осмонларни яратган ёлғиз Раббимиздан ҳаммамизни қуръон ўқиб, уни ҳақиқий тиловат қиладиган мўминлардан қилишини ёлвориб сўраймиз.

وعن عمر بن الخطاب رضي الله عنه أن النبي صلى الله عليه وسلم قال : إن الله يرفع بهذا الكتاب أقواماً ويضع به آخرين رواه مسلم.

Умар ибн ал- Хаттоб розияллоҳу анҳу ривоят қилишларича: Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Оллоҳ бу китоб (яъни қуръон) билан баъзи қавмларнинг мартабасини кўтариб, баъзиларининг мартабасини пасайтиради."-деган эканлар. (*Муслим ривояти*)

Шарҳ:

Қуръони каримни кўпчилик ўқиб, тиловат қилиб, қўлга олади. Оллоҳ таъоло шулардан баъзиларининг мартабаларини дунёю-охиратда баланд ва баъзилариникини паст қилади.

² Бақара: 8-10

Ажабо! Улар кимлар?! Кимки қуръонда келган хабарларни тасдиқлаб, бўйруқларини бажариб, қайтарган нарсаларидан четланиб, унинг ҳидоятидан нур олиб, унинг ахлоқларини ўзига сингдириб унга амал қилса, Оллоҳ таъоло унинг мартабасини баланд қилади, чунки қуръони карим илмнинг асл манбаъсидир. Оллоҳ таъоло: "Оллоҳ сизлардан иймон келтирган ва илм ато этилган зотларни (баланд) даража-мартабаларга кўтарур."³(*Мужодала 11*)-деб бежизга айтмаган. Энди Оллоҳ таъоло мартабаларини паст қиладиган кишиларга келсак, улар ҳам қуръон тиловатини жойига қўйиб ўқиган лекин, унинг хабарларини инкор этиб, аҳкомларига амал қилмай, унга амал қилишдан кибр қилган бахтсиз кимсалардир. Оллоҳ таъолодан ҳаммамизни қуръон билан мартабасини баланд қиладиган кимсалардан қилиб, мартабасини паст қиладиган кимсалардан узоқ қилишини ёлвориб сўраб қоламиз.

عن ابن عمر رضي الله عنهما عن النبي صلى الله عليه وسلم قال : لا حسد إلا في اثنتين : رجل آتاه الله القرآن، فهو يقوم به آناء الليل وآناء النهار، ورجل آتاه الله مالاً، فهو ينفقه آناء الليل وآناء النهار متفقاً عليه. والآناء: الساعات.

Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳума ривоят қилишларича пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Ҳасад фақат иккита нарсадагина бўлади; бири Оллоҳ таъоло унга қуръон бериб, уни кечаю-кундуз намозларида ўқиб, унга амал қиладиган киши. Иккинчиси Оллоҳ таъоло унга мол –дунё ато этиб, уни кечаю-кундуз инфоқ-эҳсон қилган кишидир."-деган эканлар. (*муттафақун ғалайҳ*)

Шарҳ:

Бу ҳадисдаги ҳасад сўзи "ғибтах" яъни ҳавас қилиш маъносида келган. Демак, фақат мана шу иккала сифатга эришган кишиларгагина ҳавас қилса бўлар экан. Биринчисини Оллоҳ таъоло қуръон ёдлаш, уни тушуниш ва унга амал қилишга муваффақ қилган бўлиб, у Оллоҳ таъоло намоз ҳақида нима деган экан деб, унинг : "Намозни тўқис адо этинглар" деган бўйруғида фикр юритиб, намозни тўқис адо этади, закот ҳақида нима деган экан деб, унинг : "Закот беринглар" деган бўйруғида фикр юритиб, закотини беради, ота-онага яхшилик қилиш ҳақида нима деган экан деб, Оллоҳ таъолонинг: "Оллоҳга бандалик қилинглари ва Унга ҳеч нарсани шерик қилманглари! Ота-онангизга яхшилик қилинганлар" - деган оятини кўз олдига келтиради-да, шунга қўлидан келганича амал қилади, силайи-раҳим (яъни қариндош-уруғлар билан алоқа қилиш) ҳақида нима деган экан деб, унинг : "Улар Оллоҳ боғланишга буюрган нарсаларни (яъни қариндош-уруғлар билан алоқани) боғлайдилар" - деган оятида фикр юритиб, қариндош-уруғлар билан алоқани мустаҳкам қилишга саъйи-ҳаракат қилади, кўни-қўшнилари ҳақида ворид бўлган

³ Мужодала:11

кўплаб оятларга амал қилиб, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ўз жойига қўяди, уларга озор бермайди. Қисқаси уни кечаю-кундуз қуръонга амал қилиб, уни кундалик ҳаётида татбиқ қилган ҳолда топасиз. Бундай кишига ҳавас қилинмайдими!? Иккинчиси Оллоҳ таъоло унга мол-дунё ато қилган кимса бўлиб, бу молу-дунёни кечаю-кундуз Оллоҳ рози бўладиган йўлларга сарфлайди. Масалан: масжид куради ё фақир-мискинларга садақа беради ёки муҳтожларга ёрдам қилади ва ҳоказо. Қисқаси Оллоҳга яқин қиладиган қандай йўл топса, молини шу йўлга сарфлайди. Лекин шуни эслатиб ўтиш керакки у қиладиган эҳсонларини шариатга мувофиқ, исрофсиз, миннатсиз ато қилади. Бундай зотлар ҳам ҳавас қилишга арзийдиган инсонлардир.

وعن البراء بن عازب رضي الله عنهما قال : كان رجل يقرأ سورة الكهف، وعنده فرسٌ مربوطٌ بشطينين، فتغشته سحابةٌ فجعلت تدنو ، وجعل فرسه ينفر منها . فلما أصبح أتى النبي صلى الله عليه وسلم، فذكر ذلك له فقال: تلك السكينة تنزلت للقرآن متفقٌ عليه.

الشطن بفتح الشين المعجمة والطاء المهملة: الحبل.

Бароъ ибн Озиб розияллоҳу анхума ривоят қилиб шундай дейдилар: "Бир киши Каҳф сурасини кироъат қиладиган эди. Ҳузурда иккита арқон билан боғланган от бор эди. У кишини бир булут қоплаб, унга яқинлашиб келди, шунда от ҳуркиб, ундан қоча бошлади. Тонг отгач, пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламга келиб, бўлган воқеъани айтиб берди. Шунда пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам : "Бу қуръон учун тушган сакийнадир."-дедилар.(муттафақун ʼалайх).

Шарҳ:

Каҳф сураси қуръондаги узун суралардан бири бўлиб, Исро ва Марям сураларининг орасидан жой олган. Бу суранинг бир неча фазилатлари бўлиб, шулардан бири: агар киши уни жума куни ўқиса, у учун икки жума орасини ёритишлигидир. Шу жумладан бу сурада бир неча ибратли қиссалар бор. Бу суранинг фазилатлари тўғрисида Оллоҳ хоҳласа, ўз ўрнида кенгрок тўхталиб ўтамиз. Ҳофиз ибн Ҳажар роҳимаҳуллоҳ "Фатҳул Борий " китобида уламоларнинг "сакийна" ҳақида зикр қилган бир неча маъноларини келтириб, охирида: "Сакийна сўзи мана шу маъноларнинг ҳаммасига муштарак бўлиб, ҳар бир ворид бўлган ўринда ўша ўринга мос маъносига йўйилади, бу бобдаги ҳадисга муносиб маъно биринчиси (яъни сакийна –инсон юзига ўхшаш юзли, шаффоф шамол)"- деган эканлар. Имом Табарий "суқунул қалб" яъни қалб хотиржамлиги деган маънони ихтиёр қилган эканлар. Имом Яҳё ибн Шараф Нававий роҳимаҳуллоҳ эса "Саҳиҳ Муслим шарҳи"да: "(Сакийна) маъносида бир неча маънолар айтилган шулардан ихтиёр қилингани: сакийна – унда хотиржамлик ва раҳмат бўлган Оллоҳ таъоло яратган нарсалардан бири бўлиб, у билан бирга фаришталар ҳам бўлади. Бу ҳадисда умматдан баъзи шахслар фаришталарни

кўриши жоиз эканлигига, қуръон ўқиш фазилати ва унинг раҳмат нозил бўлиш ва фаришталар бу кироъатга ҳозир бўлишларига сабаб бўлишига, ва қуръон тиловатини тинглаш фазилатига далил бор. "- дейдилар.

وعن ابن مسعود رضي الله عنه قال: قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: من قرأ حرفاً من كتاب الله فله حسنة، والحسنة بعشر أمثالها لا أقول : ألم حرف، ولكن : ألف حرف، ولام حرف، وميم حرف رواه الترمذي وقال: حديث حسن صحيح.

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳу дейдилар: Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам: "Ким Оллоҳ (*таъоло*) нинг китоби (*яъни қуръон*) дан бир ҳарф ўқиса, унга бир ҳасана олади, ҳасана эса, ўн баробар қилиб берилади. Алиф, лом, мим бир ҳарф демайман, балки алиф бир ҳарф, лом бир ҳарф, мим бир ҳарф."-дедилар. (*Термизий ривояти*).

Шарҳ:

Ҳаммамиз Оллоҳ таъолонинг фазлу марҳаматига дунёю охиратда муҳтожмиз. Шундай экан дунёда Оллоҳ розилигига охиратда эса баланд мартабаларга эришиш учун амал саҳифаларимизни ажру савоблар билан тўлдирмоғимиз лозим. Бунга солиҳ амаллар қилиш, Оллоҳ таъоло бўйруқларини қўлдан келганча бажариб қайтарган нарсаларидан четланиш орқали эришиш мумкин бўлади. Мана шу солиҳ амаллардан бири Қуръон тиловатини ўз ўрнига қўйиб ўқиш ва унга амал қилишдир.

وعن ابن عباس رضي الله عنهما قال : قال رسول الله صلى الله عليه وسلم : إن الذي ليس في جوفه شيء من القرآن كالخرب رواه الترمذي وقال: حديث حسن صحيح.

Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳума ривоят қилиб шундай дейдилар: Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам: "Қалбида қуръондан бирон нарса бўлмаган киши вайрона уйга ўхшайди."-дедилар. (*Термизий ривояти*).

Шарҳ:

Чунки қалб ободончилиги иймон ва қуръон тиловати билан бўлади. Ички зийнат тўғри эътиқод ва Оллоҳ таъолонинг неъматларида тафаккур қилиш билан бўлади. Қалбда қуръон бўлса, ушбу қалбнинг ободлиги ундаги қуръоннинг кўп-озлигага қараб бўлади. Агар у тасдиқ, тўғри эътиқод ва Оллоҳнинг неъматлари, муҳаббати ва сифатлари тўғрисида фикр юритиш каби керакли нарсалардан холи бўлса, худди уни безатиб турадиган уй жиҳозларидан холи бўлган хароба уйга ўхшаб қолади. Шундай экан

қалбларимизни обод қилишга уйларимизни безатишдан кўра кўпроқ эътибор қилишимиз керак бўлади.

وعن عبد الله بن عمرو بن العاص رضي الله عنهما عن النبي صلى الله عليه وسلم قال :
لصاحب القرآن: اقرأ وارتنق ورتل كما كنت ترتل في الدنيا، فإن منزلتك عند آخر آية تقرؤها
رواه أبو داود، والترمذي وقال: حسن صحيح.

Абдуллоҳ ибн Амр ибнил -Ос розияллоҳу анҳума ривоят қилишларича пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Қуръон соҳиби (яъни уни тиловат ва амал билан лозим тутган киши) га ўқи, кўтарил ва дунёда дона-дона қилиб ўқиганингдек ўқи, чунки мартабанг сен ўқийдиган охирги оят ҳузурида."-деган эканлар. (Абу Довуд ва Термизий ривояти)

Шарҳ:

Жаннатга кираётган вақтда қуръон соҳибига (яъни уни тиловат қилиш, унга амал қилиш билан лозим тутган киши) га: "Ўқи ва жаннат даражаларига кўтарил ва дунёда ҳарфлар тажвидини, вақфларни (яъни қуръон тиловатида қайси ўринларда тўхташ лозим эканлигини) жой-жойига қўйиб ўқиганингдек шошмасдан, дона – дона қилиб ўқи, чунки манзилинг сен ўқийдиган охирги оят ҳузурида бўлади" – деб айтилади. Бу ҳадисдан олинадиган фойдалардан бири бу катта ажру – савобга фақатгина қуръонни ёдлаб, уни қуръонга муносиб тарзда пухта ўқиб, адо этган шахсгина эришишлиги экан. Хаттобий роҳимахуллоҳ: "Асарда ривоят қилинишича қуръон оятларининг сони жаннат даражаларининг сонича экан. Қорига: " Ўқи қуръондан ўқиган оятларинг миқдорича даражаларга кўтарил" – дейилади. Ким қуръонни ҳаммасини қироъат қилса, жаннатнинг энг олий даражаларига эришади, ким ундан бир қисмини ўқиса, даражаси ўша миқдорича бўлади." – деган эканлар. Баъзи уламолар айтишларича: "Ким қуръонга амал қилса, уни ўқимаса ҳам, доимо ўқигандек, ким уни доим ўқиса-ю, амал қилмаса, гўё уни ўқимагандек. Зеро, Оллоҳ таъоло: "(Эй Муҳаммад алайҳис солату вассалом, ушбу Қуръон барча одамлар) оятларини тафаккур қилишлари ва ақл эгалари эслатма-ибрат олишлари учун Биз Сизга нозил қилган бир муборак Китобдир." (Сод 29) – деб айтган. Демак, қуръонни ёдлаш ва уни тиловат қилишнинг ўзи олий жаннатдаги юксак мартабаларга эришишга сабаб бўлолмас экан, балки уни кундалик ҳаётимизга татбиқ қилишлик асосий рол ўйнар экан. Шунинг учун ҳам Ойша розияллоҳу анҳодан пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг хулқлари ҳақида сўралганда: "Хулқлари қуръон эди." – деб жавоб берган эканлар.

﴿ دروس رياض الصالحين ﴾

باب فضل قراءة القرآن

« باللغة الأوزبكية »

أبو عبد الرحمن النسفي

مراجعة: شمس الدين درغامي

حقوق الطبع والنشر لعموم المسلمين